2008 йил — Ёшлар йили

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

38 (640)

2008 йил 17 сентябрь

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

саҳифада

2 ▶ Тарихни билган Ватанни севади!
▶ Муҳтожга мурувват, ёшларга қувват...

3 ▶ Порахўрга панд берган ўз нафсидир
▶ Қаҳванинг ватани қаер?

4 ▶ Фарғонада "Гапирувчи китоблар" бор
▶ Сочи узуннинг зеҳни пастлиги ростми?

«Футболимиз келажаги» турнири

Бир неча йилдирки, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви томонидан Республика Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Футбол федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида анъанавий «Футболимиз келажаги» республика турнири ўтказиб келинмоқда.

БОҒИМАЙДОН — БОШ СОВРИН СОҲИБИ

Жорий йилда ҳам жойларда мазкур турнирнинг маҳаллараро, туман, шаҳар ва минтақавий босқичлари якунланиб, унда юқори кўрсаткичга эришган жамоалар финал босқичи йўлланмасини нақд қилишди. Хусусан, яқинда пойтахтимизда «Футболимиз келажаги» турнирининг 11-12 ёшли маҳалла ўсмирлари ўртасидаги финал мусобақалари бўлиб ўтган эди. Ўтган ҳафта ниҳоясида эса 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасида турнирнинг якуний босқич беллашувлари Самарқанд шаҳридаги «Локомотив» ўйингоҳида ташкил этилди. Унда Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги Наврўз, Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги Турон, Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги Боғимайдон ҳамда Тошкент шаҳри Сергели туманидаги Ёшлик маҳаллалари ёш футболчилари ғолиблик учун тўп суришди. Ўйин натижаларига кўра, самарқандлик спортчилар фарғоналик футболчиларни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, турнирнинг бош совринини қўлга киритишган бўлса, Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги Турон маҳалласи жамоаси 2-ўрин билан кифояланишди. Учинчи ўрин пойтахтлик ёшларга насиб этди.

Мусобақа якунида ғолиб жамоалар ҳамда фаол ўйинчилар «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Шоира ШУКУРОВА

— Яна нима дейсиз?

— Равон йўлларимиз дунёга йўл очяпти.

INTERNATIONAL UZBEK COTTON FAIR TASHKENT 2008

Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси олдидан

СИФАТЛИ ВА ХАРИДОРГИР

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси деҳқонларимиз етиштирган толани мижозларга тўғридан-тўғри етказиш, хорижлик харидорлар билан савдо муносабатларини янада эркинлаштириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Сурхондарё вилоятида фаолият кўрсатаётган «Жарқўрғонтола» терминали "Ўзсаноатмашимпекс", "Ўзинтеримпекс", "Ўзмарказ-импекс" давлат акциядорлик ташқи савдо компаниялари билан тузилган шартномалар асосида саккизта пахта тозалаш заводида тайёрланган маҳсулотни ички ва ташқи бозордаги мижозларга етказиб беради.

Терминалда бир вақтнинг ўзида ўн минг тонна толани сақлаш имкониятига эга бешта омборхона мавжуд. Бу ерда сақланаётган тола сифати билан танишиш учун қулайликлар яратилган. Маҳсулотни юклашда замонавий техник воситалардан фойдаланилади. Экспорт қилинаётган тола темир йўл орқали етказиб берилади.

— Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси қимматбаҳо хомашёни қайта ишловчи корхоналарга воситачиларсиз етказиб беришда муҳим омил бўлаётир, — дейди "Жарқўрғонтола" терминали раҳбари Одил Омонов. — Бу мижозларга кўрсатилаётган хизмат сифатини янада яхшилашни тақозо этмоқда.

Анъанавий халқаро пахта ярмаркаси олдидан омборлар таъмирланиб, харидорлар учун барча шарт-шароитлар яратилди. Экспорт қилинаётган хомашё ҳужжатлари бевосита шу ернинг ўзида расмийлаштирилади. Божхона, давлат карантин назорати пункти, «Сифат» маркази ва «Сурхондарёэкспертиза» шўъба корхонасининг вакиллари бевосита терминал биносида хизмат кўрсатади.

— Хорижга жўнатиш учун юкланаётган толанинг нави ва миқдорини аниқлаб, махсус сертификат берамиз, — дейди "Сурхондарёэкспертиза" шўъба корхонаси Жарқўрғон филиали мутахассиси Суннатулла Қурбонов. — Корхонамиз сертификати билан чет элга жўнатилаётган хомашё давлат чегараларида божхона тўловларидан озод қилинган. Бу хорижлик харидорлар учун қулай имкониятдир.

Сурхон воҳасида етиштирилган сифатли толага хорижда талаб катта. Жорий йилнинг ўтган даврида ички бозорга ҳамда Россия, Хитой, Жанубий Корея, Сингапур, Молдова сингари ўнга яқин давлатга 38 минг тонна тола етказиб берилди. Яқинда ўтказиладиган навбатдаги халқаро пахта ярмаркаси ҳам хорижлик ҳамкорлар сафини янада кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири.

Қашқадарё вилояти

Қамаши тумани Чим қишлоғида фаолият кўрсатаётган «Бозор ўғли Абди» фермер хўжалигини тажрибали деҳқон Абдимурод Бозоров бошқаради.

Жамоани 31 гектар майдонда ғўза, ўн гектар майдонда ғалла, бир гектар майдонда тут кўчатларини парваришлайди. Ўтган йили пахта ва ғалладан мўл ҳосил олди.

Фермер А.Бозоров ҳомийлик қилиш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ишларига ҳам ҳисса қўшиб келади. Ҳалол меҳнати, эзгу ишларини инобатга олиб, мустақиллигимизнинг ўн етти йиллиги байрами арафасида Президентимиз фармони билан у «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди. Бундай ишонч ва рағбат тажрибали фермерни янада ғайрат билан ишлашга ундайди.

СУРАТДА: *«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, фермер Абдимурод Бозоров ўз пахта даласида.*

Шомурод ШАРОПОВ *(ЎзА)* **олган сурат.**

БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАН АВТОКАРВОНЛАР ҚАТНОВИ БОШЛАНДИ

Пойтахтимизда 16 сентябрь куни Осиё билан Европа ўртасида Марказий Осиё орқали автомобиль алоқасини ривожлантириш масалаларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон халқаро автомобилда юк ташувчилар уюшмаси ҳамда Халқаро автомобиль транспорти иттифоқи ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда мамлакатимиз тегишли вазирлик ва идоралари, халқаро ташкилотлар, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби нуфузли молиявий муассасалар ҳамда МДҲ мамлакатлари етакчи автомобилсозлик компаниялари вакиллари, мутахассислар иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари Ш.Тўлаганов мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида транспорт-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади. Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, янгидан-янги транспорт йўлаклари бунёд этиш мамлакатимиз иқтисодиётини янада юксалтириш, экспорт имкониятларини ошириш ва халқаро иқтисодий муносабатлар тизимига янада кенг интеграциялашишга хизмат қилмоқда.

Мустақилликнинг илк йилларидан юртимизни бошқа давлатлар ва минтақалар билан боғлайдиган йўллар, коммуникация тармоқлари барпо этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон автомобиль йўлларининг сифати жиҳатидан МДҲда етакчи ўринлардан бирида туради. Ўзбекистон бу соҳага оид ўндан зиёд халқаро конвенция ва ҳужжатларга қўшилган, ўттиздан зиёд давлат билан халқаро автомобиль алоқаси тўғрисида битим имзолаган.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 20 декабрда қабул қилинган "2007-2010 йилларда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан жаҳон транспорт тизимига самарали интеграциялашиш учун МДҲ ва Европа мамлакатларига чиқишни таъминлайдиган шимолий ва шимоли-ғарбий, Форс кўрфази ҳамда Қора денгиз бандаргоҳларига олиб борадиган жануби-ғарбий ва жанубий йўналишдаги автомобиль йўллари босқичма-босқич барпо этилмоқда ҳамда реконструкция қилинмоқда.

Анжуманда Ўзбекистон транспорт, айниқса, транзит соҳасида катта салоҳиятга эга экани алоҳида таъкидланди.

— Ўзбекистонда транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасини ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилаётганининг гувоҳи бўлдик, — деди Халқаро автомобиль транспорти иттифоқи президенти Януш Лачни. — Транспорт соҳасининг ривожланиши мамлакат иқтисодиётининг юксалишига хизмат қилади. Юртингизда мустақиллик йилларида мавжуд йўллар таъмирланиб, янгилари қурилди ва бу жараён изчил давом этмоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти юксалиб бораётганидан далолатдир. Президент Ислом Каримовнинг юртингизда транспорт коммуникациялари соҳасини ривожлантириш учун халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, янги кўп томонлама лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги таклиф ва ташаббусларини юксак қадрлаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз.

Конференцияда Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистонда автотранспорт соҳасининг бугунги аҳволи ва истиқболи, соҳага сармоя жалб этишга оид масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Тадбир доирасида Халқаро автомобиль транспорти иттифоқининг «Янги Евроосиё автотранспорт ташаббуси» лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Лойиҳа Буюк Ипак йўлининг минглаб километрга чўзилган уч асосий – шимолий, марказий ва жанубий йўналишлари бўйича автомобилда мунтазам юк ташишни йўлга қўйишга қаратилган. Шу муносабат билан юк ортилган дастлабки 12 автомобиль Европа сари йўлга тушди.

Лойиҳада Ўзбекистоннинг "Бунёд", "БК Интранс", "Ўрта Осиё Транс", Россиянинг "Атрим Логистик", Қирғизистоннинг "Ошмежтранс", Туркиянинг "Карадениз" ва Эроннинг "Тизгаман Яхан" автотранспорт компаниялари иштирок этмоқда. Ушбу компанияларнинг юк автомобиллари саноат ва истеъмол товарларини мазкур уч йўналиш бўйлаб белгиланган манзилга етказиш билан шуғулланади.

— Ўзбекистоннинг қулай жўғрофий жойлашуви, такомиллашиб бораётган транспорт коммуникациялари Евроосиё давлатлари бўйлаб транзит юк ташиш учун катта имкониятлар очмоқда, — деди Украина халқаро автомобилда юк ташувчилар уюшмаси вице-президенти Юрий Кучинский. — Қадимда барча карвонлар Шарқ ва Ғарб ўртасидаги робита, Буюк Ипак йўлининг маркази — Ўзбекистон орқали ўтишни афзал билган. Мазкур лойиҳа нафақат мамлакатингизнинг, балки бутун Марказий Осиёнинг иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Ҳа, қадимда энг узун савдо йўналиши ҳисобланган Буюк Ипак йўли бугун транспортчилар саъй-ҳаракатлари билан қайта тикланмоқда. Осиё билан Европани бирлаштирувчи бу йўл минтақалар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда тобора кенг ўрин эгалламоқда. Бу Ўзбекистоннинг транспорт ва транзит салоҳияти юксалишига ҳам хизмат қилади.

Нодира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбирлари.

ЯНГИ ҲАВО ЛАЙНЕРИ ТАҚДИМОТИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган замонавий модификациядаги «ИЛ-114-100» русумли самолётнинг илк парвози тақдимоти ўтказилди. Самолётнинг илк парвози учун Тошкент—Қарши—Тошкент йўналиши танланди. Замонавий ҳаво лайнерининг илк йўловчилари ҳамда экипаж аъзолари Қарши аэропортида вилоят жамоатчилиги томонидан тантанали равишда кутиб олинди.

В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация-ишлаб чиқариш бирлашмасида йиғилган бу ҳаво лайнери йўловчилар учун ҳам, учувчилар учун ҳам ўта қулайлиги, шунингдек, бошқа самолётлар, масалан, «ЯК-40»га нисбатан ёнилғини икки баробар кам сарфлаши билан ажралиб туради. Унда Россиянинг етакчи самолётсозлик корхоналари ҳамда бутун дунёга машҳур «Rockwell Collins», «Hamilton Sundstrand», «Honeywell» ва «Pratt&Whitney Canada» компанияларида ишлаб чиқарилган энг сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар, авионика, қурилма ва двигателлар ўрнатилган. Бунинг натижасида самолётни бошқариш аниқлиги ошган бўлса, иккинчидан, ҳаво кемасининг учиш оғирлиги камайиб, янада узоқроқ масофаларга қўнимсиз парвоз қилишига имкон яратилди.

52 нафар йўловчига мўлжалланган ва самолёт бортида ҳарорат мўътадиллигини таъминловчи жиҳозлар ўрнатилган бу ҳаво лайнери келажакда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси йўналишларида «ЯК-40» ҳамда «АН-24» самолётлари ўрнини эгаллайди.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Мамлакатимизнинг шимолий минтақаси бўлган Қорақалпоғистон Республикасида буғдой экиш ишлари бошланди. Қабул шохобчаларига 5 минг тонна «қирмизи дон» топширишга аҳд қилган элликқалъалик ғаллакорлар муҳим тадбирни биринчилардан бўлиб бошлаб беришди.

Буғдой экиш бошланди

Шунингдек, Амударё туманининг 300 га яқин фермер хўжаликлари ҳам кузги буғдой экишга ҳар йилгидан барвақтроқ уннашди. Сифатли тайёрланган 5 минг гектар ерда 150 та культиватор икки навбатда ишлатиляпти.

Тўрткўл, Беруний туманларида ҳам кузги буғдой экиш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Асил БЕК,
«Mahalla» мухбири.

Наманган вилояти

Қишлоқ овозида

ТАРАҚҚИЁТ ТАШАББУСДАН БОШЛАНАДИ

Фова қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги маҳаллалар Чуст туманининг тоғ ёнбағрларида жойлашган. Қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамида Гулистон, Варзигон, Юқори, Янги ҳаёт маҳаллалари мавжуд бўлиб, бу ҳудудда турли миллат вакиллари ўзаро ҳамжиҳатликда умргузаронлик қилишади. Фоваликларнинг асосий даромади деҳқончилик, савдо-сотиқ ва чорвачиликдан. Аҳолининг фаровон, тинч-тотув турмуш кечиришини таъминлаш, ободончилик, ишсизликка барҳам бериш, жиноятчиликка қарши курашиш, ёшлар тарбияси каби долзарб муаммоларни ҳал қилишда фуқаролар йиғинларининг алоҳида ўрни бор.

Бир пайтлар йиғин ҳудудида ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун айтарли шароит йўқ эди. Ҳашар йўли билан Дагарвой Соаталиев, Сатторбой Қорабоев, Муҳаммаджон Тошмуродов, Ҳамиджон Шаҳанов сингари саховатли тадбиркорлар ёрдамида 400 ўринли ўйингоҳ қурилиб фойдаланишга топширилди. Бирйўла замонавий кўринишда қад ростлаган спорт коллежи ҳам ғоваликлар учун муносиб туҳфа бўлди. Бугунги кунда мазкур ўқув юртида 275 нафар талаба-ёш бокс, стол тенниси, кураш, футбол, волейбол сингари оммавий спорт турлари билан шуғулланмоқда. Янги ҳаёт, Гулистон, Юқори маҳалла ҳудудларидаги сув узатиш тармоқлари эскириб, яроқсиз ҳолга келган эди. Ҳомийларнинг кўмагида 2,5 километр масофада тармоқни таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, аҳолининг ичимлик сувга бўлган талаби қондирилди. Фова туман марказидан анча олисда жойлашгани учун бандлик масаласида айрим қийинчиликлар туғилмоқда. Шунга қарамай, жорий йилда иш сўраб мурожаат қилган 153 киши иш билан таъминланди. Қолганлари мавсумий ишларга жалб қилинди.

— Фовада ҳали амалга оширмоқчи бўлган ишларимиз жуда кўп,— дейди йиғин раиси Турсунбой Тошпўлатов. — Ободончилик юмушларини янада кучайтириш, йўлларни таъмирлаш муҳим масалаларимиздан бири бўлиб турибди. Ёшларимизга уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратишимиз керак. Албатта, бу муаммоларни ҳам ҳамжиҳатликда ҳал этамиз. Энг муҳими, одамларимиздаги ташаббус бор экан, ҳар қандай муаммонинг ечимига йўл топилади.

Мирзадавлат ЮНУСОВ,
«Mahalla» мухбири.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:148

Бахоси келишилган нархда

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
www.mahalla.uz
E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 236-53-93
Тел/Факс: — 233-44-25
Масъул котиб: 236-53-75
Хатлар бўлими: 236-57-62

«М.Р» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! Севимли нашрингиз «MAHALLA»ни ҳамиша ҳамкор тутинг.
Обуна бўлишга шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Анжуман

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҲАФТАЛИГИ

Мамлакатимизда 22-28 сентябрь кунлари анъанавий Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги бўлиб ўтади. Пойтахтимизда бошланадиган ушбу тадбир бу борада эришилган натижаларни баҳолаш, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги янги ютуқларни кенг омма эътиборига ҳавола этиш, келгусидаги режаларни белгилаш имконини беради.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ҳафталиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, БМТнинг «АКТ сиёсати» лойиҳаси тимсолидаги Ривожланиш дастури ва Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси томонидан ташкил этилмоқда.

АКТ ҳафталиги доирасида ҳар йилгидек, «ICTExpo — 2008» миллий ахборот технологиялари кўргазмаси ташкил этилиб, у бир пайтнинг ўзида Тошкент ва Андижон шаҳарларида бўлиб ўтади. Ушбу кўргазма Тошкентда Ўзэкспомарказ павильонида, Андижонда эса янги барпо этилган Ёшлар марказида уюштирилади. Икки кўргазма ўртасидаги ўрнатилажак видеокўприк бир вақтнинг ўзида ҳар икки кўргазма экспозициялари билан танишиш имконини беради.

Навбатдаги «ICTExpo — 2008» кўргазмасида иштирок этиши кутилаётган Россия, Хитой, Австрия, Германия, Жанубий Корея, Украина, Венгрия ва бошқа мамлакатлардан келган компаниялар сони ўтган йилгига нисбатан 20 тага ортиб, 110 тани ташкил этмоқда. Кўргазмаларда ахборот технологиялари соҳасидаги энг янги ишланмалар, хизмат турлари намойиш этилади.

Тадбирлар дастури кенг бўлиб, таълимга оид семинарлар, давра суҳбатларини ўз ичига олади. «Банк соҳасида ахборот хавфсизлиги», «Вирусга қарши воситалари, маҳсулотлар линейкаси», «Электрон рақамли имзо ва ахборотни криптографик ҳимоя қилиш воситаларини қўллашнинг амалий ечимлари», «Корпоратив ИП-телефония эволюцияси», «Microsoft sharePoint Portal Server технологияси базасида биргаликда самарали ишлашни таъминлаш учун комплекс ечим» каби мавзуларда семинарлар ўтказилиши режалаштирилган.

Шунингдек, АКТ ҳафталиги доирасида «Осиёда ахборот технологияларини ривожлантириш — ITPA 2008» халқаро конференцияси ҳам бўлиб ўтади. Жанубий Корея, Хитой, Япония, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардан олимлар таклиф этилган ушбу форумни ўтказишдан асосий мақсад Осиёда ахборот технологияларини ривожлантириш йўлида янги тадқиқот йўналишларини таҳлил этишдан иборат.

Интернет ва мобил, симсиз ва оптик-толали алоқа соҳасидаги янги авлод технологиялари, электрон тижорат учун иловали ахборот-коммуникация технологиялари бўйича тўртинчи халқаро Марказий Осиё конференцияси — ICI 2008 ҳам жуда қизиқарли ўтиши кутилмоқда.

АКТ—2008 тадбирлари «InfoCom—2008» ҳафталиги совғини учун ўтказиладиган компьютер ўйинлари бўйича «Uzbekistan Guber Games (UGG) — 2008» кузги Ўзбекистон чемпионати билан якунланади.

Муносиб тақдирланганлар

Қорақалпоғистон Республикаси

Маълумки, Ватанимиз Мустақиллигининг 17 йиллик байрами арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш борасидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати, хусусан, халқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун энг олий унвон — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланди.

«Тарихни билган ВАТАНга меҳр қўяди!»

«Ўзбекистон Қаҳрамони» Ғайраддин Хўжаниёзов шундай таъкидлайди

Юксак унвон билан тақдирланганлар орасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали тарих, археология ва этнография институти археология бўлими мудири Ғайраддин Хўжаниёзов ҳам борлиги ҳақидаги хабар Оролбўйида қувонч билан кутиб олинди. Олимнинг оға-инилари, ёру биродарлари, ҳамкасблари ва шогирдлари ва албатта, маҳалладошлари бу хушхабари эшитибоқ олимнинг хонадонига ошиқдилар. Йиғилганлар олимнинг муваффақияти билан бир-бирларини қутладилар. Бу пайтда қадимшунос олим халқаро илмий экспедиция таркибида Беруний тумани ҳудудидаги «Ақчахон қалъа»да археологик қазишма ишлари билан машғул эди, қувончли хабарни шу ерда эшитди...

Умрининг олтмиш йиллик довонидан ошиб ўтган Ғайраддин ака учун доимо бирон тадқиқот билан андармон бўлиш одатий ҳол. Бундан салкам 40 йил муқаддам Нукус Давлат педагогика институтининг тарих-археология факультетини тамомлаган Ғайраддин — иқтидорли навқирон йигит — йўлланма билан Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали тарих, тил ва адабиёт институтининг археология секторига ишга қабул қилинди. Ғайраддин ака ишни Амударёнинг қуйи қисмидаги Хоразм воҳасида яшаб ўтган қадим аждодларимиздан қолган бебаҳо мерос хусусидаги адабиётларни, айниқса, профессор С.Толибовнинг «Қадимий Хоразм» асарини чуқур ўқиб-ўрганишдан бошлади. Ёш мутахассиснинг ҳақиқий қадимшунос олим бўлиб шаклланишида устозлари академик С.Камолов, олимлар В.Ягодин, М.Мамбетуллаев, Е.Бижоновнинг хизмати катта бўлди. Аслида археология қадимшуносликнинг энг машаққатли йўналиши ҳисобланади. Ғайраддин аканинг қизиқувчанлиги, тадқиқотларда сабр-бардошлилиги археологиянинг барча сир-синоатини эгаллашида асосий омил бўлди. У дала экспедицияларда жуда фаол қатнашар, мозий сирларини чуқур ўрганиш йўлидаги заҳматлардан қочмас эди. Тажрибаси ортгани самараси ўлароқ, Ғайраддин ака мустақил равишда махсус илмий экспедициялар уюштиришга киришди.

Ғайраддин ака бошчилигида Қорақалпоғистоннинг жанубий ҳамда шимолий ҳудудларига, Миздакхонга ташкиллаштирилган илмий экспедициялар муваффақиятли ниҳояланди. Олим ҳақли равишда жаҳон қадимшунослари орасида танилди, довруғ таратди. Мукаммал билим ва тажриба тўплаган қорақалпоғистонлик олимнинг ЮНЕСКО ҳомийлигида уюштирилган «Буюк ипак йўли — мулоқот йўли» халқаро экспедициясидаги иштироки, айниқса самарали бўлди.

Маълумки, Хоразм воҳасида қадимий шаҳарлар ва қалъалар бошқа ҳудудларга нисбатан анча кўп жойлашган. Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, мўғуллар босқинигача кўҳна Урганч шаҳри энг йирик аҳоли масканларидан эди. Амударёнинг ўнг қирғоғида ҳам тарихий қалъа ва шаҳарлар кўп. Бу тарихий манзилларнинг аниқ ёшини аниқлаш, илмий таҳлил этиш масаласи жуда нозик ва аҳамиятли эди. Хива, Хўжайли, Чимбой шаҳарларининг тарихий ёшини белгилаш мақсадида уюштирилган илмий экспедицияларда Ғайраддиннинг иштироки олимнинг ўзи учун ҳам, тарих фани учун ҳам бесамар кетмади. Бу ва бошқа қатор илмий изланишлар натижасида олимнинг «Қадимий Хоразм мудофаа иншоотлари» монографияси ёзилди. Мазкур китобнинг жаҳоншумул аҳамияти эътиборга олиниб, катта ҳажмдаги монография Францияда инглиз тилида чоп этилиб, дунё миқёсида илмий жамоатчиликнинг эътирофини қозонди. Умуман, қорақалпоқ қадимшуносининг турли йилларда чоп этилган 300 га яқин китоб ва қўлланмалари, мақолалари илм-фан оламида катта воқеа бўлди.

Ғайраддин Хўжаниёзов таниқли тарихчи олимлар билан ҳамкорликда Дали қалъа, Ақчахон қалъасининг девор қолдиқлари, Тупроққалъа, зардуштийлар, қорақалпоқ халқининг XVII-XIX асрларга тааллуқли дафмалари, Ақшунгул, Сулаймон Хаддадий Мусавий, Кетмончи бобо хонақоси ва мақбараси, Пўрлитоғ, Сейит Насиб, Мурод Шайх минорасини чуқур ва атрофлича тадқиқ қилгани тарих, қадимшунослик фани ривожида жуда аҳамиятли ҳисобланади. Олимнинг Мурод Шайх, Жиян Жиров, Ўтеш шоир, Ажиниёз-Зевар шоир каби тарихий шахсларнинг қабрини илмий асослаган ҳолда аниқлагани ҳам халқимизнинг маънавий меросини бойитди.

Олим фаолиятидаги энг муҳим ютуқлардан бири Ақчахон ва Девкесган қалъа деворларида ўтказилган илмий тадқиқотлар натижаларининг қиёсий таҳлили асосида минг йиллар олдин жанубий Оролбўйида узун девор мавжуд бўлган тахминнинг илмий асосланишидир. Мазкур илмий иш хорижлик таниқли олимларнинг ҳам эътиборини тортди. Амударё қуйи қисми ўнг қирғоғи, Беруний шаҳри ва Ақчақўл, Тупроққалъа оралиғида жойлашган Тошхирмон воҳаси, унинг таркибидаги 45 гектарни эгаллаган Ақчахон қалъасида бундан 13 йил илгари Сидней университети археологлари билан ҳамкорликда археологик қазув ишлари ташкил этилишида ҳам Ғ.Хўжаниёзов ташаббускор бўлганди. Бу тарихий обидадан кўплаб ноёб осори-атиқалар, жумладан, 30 дан зиёд экспонатлар, қадимий Хоразм ёзуви намуналари топилди. Мазкур қалъанинг эрамиздан олдинги II асрга тааллуқли эканлиги ҳақидаги фаразлар илмий тасдиғини топди.

— Ғайраддиннинг бундай юксак унвонга мушарраф бўлиши, археология соҳасида етук олим сифатида жаҳон миқёсида тан олиниши тасодифий эмас, — дейди академик Собир Камолов. — Ўта билимдон, заҳматкаш олим давлатимизнинг энг юксак унвонига сазовор бўлиши олимнинг меҳнатлари муносиб тақдирланганидан далолат, қолаверса, бундай мукофотга сазовор бўлмоқ қайси соҳа вакили бўлишидан қатъи назар ҳар бир инсон учун катта шараф. Бу унвон ўз умрини ва илмий салоҳиятини қадимшунослик фани, археология соҳаси ривожига бағишлаган ҳар бир олимимизга кўрсатилган рағбат, деб биламиз.

— Меҳнатларим шундай юксак мукофот билан рағбатлантирилганидан бошим осмонга етди, — дейди Ғайраддин ака. — Биз олимлар зиммасида бўлган ишлар ҳали бисёр. Эътироф ва эътибор эса янги илмий изланишлар, тадқиқотларга руҳлантиради бизни. Амударёнинг қуйи қисмида кўплаб қадимий қалъаю қўрғонлар, ноёб обидалар бунёд этилган. Фақат Оролбўйи минтақасида 230 та қалъа рўйхатга олиниб, давлат муҳофазасига киритилган. Аммо, уларнинг атиги 5 фоизигина илмий асосда комплекс ўрганилган. Шукрки, Истиқлол берган имкониятлар, муҳтарам Президентимизнинг тарихимизни ўрганиш ва тадқиқ этиш ишларига алоҳида эътиборлари туфайли ота-боболаримиз қолдирган ниҳоятда бой тарихий, маданий меросни чуқур ўрганишга кенг йўл очилди. Бу меросни илмий тадқиқ этиб, ҳаққоний тарзда ёшларимиз онги-шуурига етказиш зиммамиздаги масъулиятли бурч. Токи келажагимиз ворислари ўз аждодлари илму амали, тарихидан бохабар бўлсинлар. Зеро, она юрти тарихини мукаммал билган инсонгина том маънода ватанпарвар бўла олади.

Қадимшунос олим сифатида, қолаверса, буюк алломалар яшаб ўтган замин фарзанди сифатида халқимизга; Юртбошимизга қилган хизматларим юксак тақдирлангани учун раҳмат айтаман!

Олимнинг 82 ёшли онаси Ўнғай момо Ғайраддиннинг энг катта дуогўйи, тилидан шукрона сўзлар тушмайди. Ўғлининг эл-юрт назарига тушганидан мушпипар онанинг қувончи чексиз. Олимнинг умр йўлдоши Умидахон маърифатли инсон, ҳаётнинг қувончли, ташвишли дамларида доимо турмуш ўртоғига ҳамкор, ҳамфикр бўлиб келмоқда. Умидахон Шарипова — Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. У ўғиллари Мурот ва Пўлатнинг эл корига ярайдиган инсонлар бўлиб етишишида юкнинг оғирини кўтарди. Қизи Гулойим эса муаллимлик касбини танлаган. Оиладаги 3 нафар неваралар эса умр давомчилари сифатида соғлом ўсмоқда.

Асилбек ИСКАНДАРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Азиз муштарий!
Севимли нашрингиз «MAHALLA»ни ҳамиша ҳамкор тутинг.

«MAHALLA»га обуна бўлсангиз, йил давомида қизиқарли нашр сизнинг ҳамроҳингизга айланади.



Наманган вилояти

ЭЛ ЭЪЗОЗЛАГАН УСТОЗ

Наманган шаҳридаги 18-умумтаълим мактабининг бошланғич синф муаллими, Халқ таълими аълочиси, олий тоифали ўқитувчи, «Меҳнат шуҳрати» ордени нишондори Собиржон Турғунов учун мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрами айниқса қувончли келди. Президентимиз Фармонига кўра у юксак мукофот — «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди.

Собиржон ака, қирқ уч йилдирки, ўқитувчилик касбини эъзозлаб келади. Собиқ ўқувчилари — олимлар, муҳандислар, шифокору ҳунармандлар билан фахрланади. Домла нафақат Наманган шаҳри, балки вилоят педагог-мураббийлари ўртасида ҳам катта обрў-эътиборга эга, ўзининг услубий қўлланмалари билан бошланғич таълим ўқитувчиларининг ҳақиқий устозига айланган.

СУРАТДА: *Наманган шаҳридаги 18-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, «Меҳнат шуҳрати» ва «Эл-юрт ҳурмати» орденлари соҳиби Собиржон Турғунов ўқувчилар билан.*

Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) **олган сурат.**

ХАЛҚАРО ХАБАРЛАР

АҚШ:

«CESSNA 421» ҒОЙИБ БЎЛДИ

Fox News агентлигининг хабар беришича, АҚШнинг Техас штати ҳудудида бортида қуруқлик ва сув ҳавзалари бўйича Америка-Мексика халқаро комиссияси раҳбарлари — Карлос Марин ва Артуро Херрера бўлган кичик йўловчи самолёти ғойиб бўлган.

«Cessna 421» деб номланувчи мазкур самолётнинг бортида улардан ташқари учувчи ва яна бир нафар йўловчи ҳам бўлган. Самолёт Мексиканинг Эль-Пасо шаҳридан Техас штатининг Пресидио шаҳри томон йўлга чиққан эди. Бироқ у белгиланган манзилга етиб бормаган.

Маълум қилинишича, ғойиб бўлган раҳбарлар сув тошқини оқибатида талофат кўрган ҳудудларни ҳамда Рио-Гранде дарёсидаги дамбалардан бирини кўздан кечиришлари лозим эди.

Айни пайтда самолётни қидирув ишлари Пресидиодан 95 километр ғарбда, тоғли ҳудудда олиб борилмоқда. Бу ишга АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари ва чегарачилар ҳам жалб қилинган.

* * *

САРА МАНСАБИНИ СУИСТЕЪМОЛ ҚИЛГАНМИ?

CNN канали Жон Маккейннинг сайловолди штаби расмий баённомасига асосланган ҳолда АҚШ вице-президентлигига номзод Сара Пэйлин мансабини суистеъмол қилиш бўйича ўзига нисбатан қўзғатилган тергов ишларида ҳуқуқшуносларга ёрдам бермайди, дея хабар тарқатди. Штаб вакилларининг таъкидлашларича, Барак Обаманинг тарафдорлари Пэйлинга нисбатан бўлган бундай гумондан сиёсий мақсадда фойдаланишмоқда.

Собиқ матбуот котиби Пэйлин мансаб лавозимини суистеъмол қилиш бўйича тергов ишларини олиб бораётган комиссияга аъзо бўлган Обаманинг тарафдорлари мазкур ишга доир ҳужжатларни ўғирлашган, дея таъкидламоқда.

Эслатиб ўтамиз, Сара Пэйлин ўз мансабидан фойдаланган ҳолда синглисининг собиқ турмуш ўртоғи Майкл Вутенни ишдан ҳайдаб юборишдан бош тортган Аляска штати жамоат хавфсизлиги вакили Уолт Монеганни ишдан бўшатиб юборганликда айбланмоқда. Монеганнинг сўзларига кўра, Пэйлин синглисининг ажрашиш жараёни бироз қийин кечганлиги боис Вутенни ишдан маҳрум қилмоқчи бўлган.

ЭРОН:

МАГАТЭ БАЁНОТИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

улар Эронга нисбатан янги санкцияларга сабаб бўлиши мумкин

Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) эълон қилган баённотда, Эрон давлати ўз ядровий дастурининг ҳарбий аҳамиятига доир аниқ маълумотларни агентлик экспертларига тақдим этмаганлиги қайд этилган.

Шунингдек, мазкур баённотда Эрон ҳукуматининг бу борада халқаро тергов ишларини олиб боришга ҳар томонлама тўсқинлик қилаётгани ва мамлакатда уранни бойитиш ишлари ҳануз давом эттирилаётганини таъкидланган.

Оқ уйнинг расмий вакили бундай вазият Эрон ислом республикасига нисбатан янги санкциялар эълон қилинишига сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида Н.БЕРДИБОЕВА тайёрлади.

Наманган вилояти

САФАР САМАРАЛИ БЎЛДИ

Жиззах шаҳридаги бир гуруҳ маҳалла фуқаролар йиғини раислари наманганлик ҳамкасблари билан тажриба алмашиш мақсадида вилоятга ташриф буюришди.

Улар шаҳар марказидаги Ишонч маҳалласи мутасаддиларининг аҳоли билан ишлаш, ҳужжат юритиш, ободончилик борасидаги кенг кўламли ишлари билан танишдилар. Айниқса, атрофи гулларга бурканган маҳалланинг кўркам гузари меҳмонлар эътиборини тортди.

— Биз Наманганда бунёд этилаётган замонавий бинолар, обод маҳаллаларни кўриб ниҳоятда қувондик, — дейди Жиззах шаҳридаги Олмазор маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Ғанижон Обидов. — Саёҳат чоғида наманганлик ҳамкасбларимиздан тажриба ўргандик, шу билан бирга ўз иш услубимиз билан ўртоқлашдик. Келгусида ҳам тажриба алмашишни давом эттиришга келишиб олдик.

Жиззахлик меҳмонлар вилоятнинг диққатга сазовор жойлари билан ҳам танишдилар. Хусусан, улар Мулла бозор Оҳунд мажмуасини зиёрат қилиб, Косонсой ва Чуст туманларида бўлишди.

Мирзадавлат ЮНУСОВ,
«Mahalla» мухбири.

Андижон вилояти

Йил дастури ижроси — амалда

Асака шаҳридаги Дўстлик маҳалласи ҳудудида истиқомат қилувчи яна бир ёш оила бошлиғи Абдумуталлиб Исмоилов қурилиш фирмасига ишга жойлаштирилди. Шунингдек, ушбу оилага берилган 25 бош товуқ ва соғин сигир унинг умр йўлдоши Маҳфузахонни ҳам беҳад қувонтирди.

МУҲТОЖГА — МУРУВВАТ, ИШСИЗГА — ИШ

— Ёш оила энди моддий ёрдам ёки нафақага муҳтожлик сезмайди, — дейди йиғин раиси Манзурахон Жўраева. — Оила ўзини тиклаб олди, Абдумуталлибнинг анчадан буён бетоб ётган онаси Тожихон ая икки марта санаторийда даволаниб қайтди.

Қувонарлиси шундаки, шаҳар ҳокимлиги ҳам маҳаллада яшовчи ёш оилаларга ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Хусусан, яқинда Абдумуталлибга уй қуриши учун ер участкаси бериш ҳақида ҳокимлик томонидан фармойиш чиқарилди.

Маҳалла фуқаролар йиғинида «Ёшлар йили» Давлат дастури асосида ўтказилган тадбирлар натижасида бир қатор ютуқлар қўлга киритилди. Хусусан, ҳудуддаги 18 та кам таъминланган оилани қўллаб-қувватлаш учун турли ёрдамлар уюштирилди. 10 та оиланинг бошлиғи шаҳардаги автокорхоналарга ишга жойлаштирилди. 17 та оилага ҳомийлар томонидан бир бошдан қорамол ҳадя этилди.

Бундан ташқари, 5 та ёш оилага қорамол, 7 та ёш оилага уй жиҳозлари совға қилинди. Ана шундай оилалардан 6 тасига уй-жой сотиб олиш ёки қуриш учун юз миллион сўмдан ортиқ бўлган имтиёзли кредитлар олишга кўмак берилди. Қолаверса, йиғин қошида ёш оилаларга ёрдам кўрсатиш учун «Оила мактаби», «Саломатлик маркази» ишлаб турибди. Албатта, ушбу қулайликлар давлатимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик намунасидир.

Дарвоқе, йиғин бу борадаги ишларда фаоллик кўрсатаётгани учун «Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган энг намунали маҳалла» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби бўлди. Энди Дўстлик маҳалласи фуқаролар йиғини мазкур кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этади.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Наманган вилояти

Йиғинда комиссиялар фаолияти

...Хусния опани анчадан буён муросага келтиришнинг иложи бўлмаётган ёш оиланинг тақдири ташвишлантирарди. «Қандай қилиб уларни яраштирсак, турмушини тикласак экан? Ахир ўртада икки нафар гулдек фарзанд бор. Уларнинг тирик етим бўлиб қолишига йўл қўймаслик зарур», дея хаёлидан ўтказди.

Оилада чиққан НИЗО

маҳалланинг Яраштириш комиссияси томонидан бартараф этилмоқда

Ёнига Яраштириш комиссиясининг аъзоси, турмушнинг кўп синовларини бошидан ўтказган Турсунали отани олиб, қудалар билан гаплашди. Келиннинг ота-онаси куёвининг ичкиликка ружу қўйгани, панд-насиҳатлари кор қилмаётганини айтиб, оёқ тираб туриб олишди. Бир қарашда уларнинг гап-сўзларида ҳам жон бор эди. Лекин Турсунали ота кўпни кўрган мўйсафид эмасми, масалани обдон мулоҳаза қилиб, тошу тарозига солиб кўрди. Кейин салмоқ билан гап бошлади:

— Бегуноҳ гўдакларнинг тақдири нима бўлади? Келажакда отам ким эди, деб сўрашса, қандай жавоб берасизлар? Ундан кўра ҳаммамиз бир бўлиб, Раҳимжонни тўғри йўлга солайлик, — деди.

— Яхши ният билан қурилган оила барбод бўлмасин. Биз Раҳимжонни кафилликка оламиз, у билан гаплашамиз, ишга жойлашишига ёрдам берамиз. Худо хоҳласа, ҳаммаси изига тушиб кетади, — деди Хусния опа ишонч билан. Кимёхоннинг ота-онаси маҳалла фаолларининг гапини ерда қолдиришмади — узилиб кетай деб турган оила ришталари қайтадан боғланди.

Поп шаҳридаги Шомазор маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Хуснияхон Қорабоева тизим фаолиятига доир қонунчилик талабларига мувофиқ йиғин ҳузуридаги Яраштириш комиссиясини ҳам бошқаради. Ҳудуддаги 561 та оиланинг тотувлигини таъминлаш, турли можароларни ҳал этишда 7 нафар аъзодан иборат Яраштириш комиссиясининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Комиссиянинг ҳар бир аъзосига ҳудудлар ҳамда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар тақсимлаб берилган.

— Ёшларга бир-бирини тушуниб, турмушини изга солиб олиши учун вақт, атрофдагиларнинг қўллаб-қувватлаши, ёрдами керак бўлади. Шу боис янги оила қурганларга кўпроқ эътибор қаратишимиз лозим, — дейди Хуснияхон Қорабоева. — Нўъмонжон ва Оминахонлар ҳам бирбирини тушунмасликлари туфайли оилада тез-тез келишмовчиликлар бўлиб турарди. Оқибатда келин ота уйига кетиб қолди. Комиссиямиз аъзолари ёшлар ва ота-оналар билан суҳбатлашишди, панд-насиҳат йўли билан бузилишига бир баҳя қолган оила сақлаб қолинди.

Яраштириш комиссияси нафақат оиладаги, балки қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар ўртасидаги низоларнинг олдини олиш ва бартараф этишда ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Ҳалимахон ва Раъногонлар кўп йиллардан буён деворда армиён қўшни бўлиб яшаб келишаётган эди. Нима ҳам бўлди-ю, икки қўшнининг орасида гап қочди. Маълум бўлишича, ёмғирли кунларда Ҳалимахоннинг уйи томидан оққан сув қўшни ҳовлига тушиб, қўлмакка айланар экан. Раъногон бу ҳақда қўшнисини огоҳлантириб, чора кўришни талаб қилди. Икки ўртада келишмовчилик юзага келди. Бундан хабар топган комиссия аъзолари вазиятни ўрганиб, зарур чораларни кўришди. Қўшнилар муросага келтирилди.

Яраштириш комиссияси қониқарли фаолият кўрсатаётганини жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳудудда ажрим ҳолати қайд этилмаганидан ҳам билиш мумкин. Маҳалла посбони Шавкат Йўлдошев, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Маҳмуда Мавжутоваларнинг комиссия аъзолари билан ҳамжиҳатликда фаолият юритаётганлиги можароли вазиятларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этишда кўл келмоқда.

Мирзадавлат ЮНУСОВ,
«Mahalla» мухбири.

Тошкент вилояти

Эътибор ва эътироф

МАҲАЛЛАда маънавият МАСКАНИ

у қандай талабларга жавоб бериши керак?

Юртимизда маънавият соҳасига истиқлолнинг илк йилларидаёқ алоҳида эътибор қаратилди. Таълим муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларда маънавият ва маърифат хоналари ташкил этилди. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, фуқароларнинг маънавиятини, дунёқарашини юксалтириш эканини яхши биламиз.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бугун юртдошларимиз қаерда ёки қайси жабҳада ишлашидан қатъи назар маънавиятини юксалтиришга, тафаккурини бойитишга, бир сўз билан айтганда, замон билан ҳамнафас бўлишга интилмоқда. Жойлардаги маънавият масканлари инсонларнинг ана шу хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб ташкил этилмоқда. Қолаверса, буни истиқлол йилларида маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилган туб ислоҳотларнинг самараси сифатида ҳам изоҳлаш мумкин.

Ҳозирги кунда вилоятимиздаги мавжуд 1451 та шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг аксариятида талаб даражасида жиҳозланган маънавият ва маърифат хоналари мавжуд. Бироқ баъзи жойларда бундай хоналардан турли тадбирларни ўтказиш мақсадидагина фойдаланилаётгани ачинарли ҳолдир. Ваҳоланки, маънавият ва маърифат хонаси жамоа ёки маҳалла аъзолари учун маънавий озуқа берадиган, маданий ҳордиқ чиқарадиган энг гавжум гўша бўлмоғи лозим.

Хўш, маҳаллада маънавият масканини ягона андоза асосида ташкил этиш шартми? Мутахассисларнинг фикрича, уни ҳар бир маҳалла ўз имкониятларидан, аҳолининг қизиқиши, талаб-истакларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиши мумкин. Бироқ маънавият масканларига қўйиладиган умумий талаблар ҳам бор эканини ёддан чиқармаслик керак.

Яқинда «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими томонидан тизим ходимларини маънавият хоналарига қўйиладиган умумий талаблар билан таништириш мақсадида тадбир ўтказилди. Жамғарма бўлимининг биносида шундай талабларга жавоб берадиган маънавият ва маърифат хонасининг намунаси ташкил этилди. Уни жиҳозлашда давлатимиз рамзлари, Президентимиз асарлари, сиёсий, ҳуқуқий, маънавиятга ва тизим фаолиятига дахлдор адабиётлар, ўқув қўлланмалари, газета ва журналлар тўпламларидан иборат кутубхона, стенд ва плакатлар, телевизор, видео ва аудио аппаратуралар, кассеталар жамланмасидан фойдаланилди. Шунингдек, бундай хоналардан проектор ва бошқа замонавий техника воситалари ҳам ўрин олиши мумкинлиги қайд этилди.

Маҳалла ишини тўлақонли юритиш йиғин оқсоқоли ва фаолларидан ҳаётий тажрибадан ташқари юқори билим ва савияни, ҳуқуқий саводхонликка эга бўлишни талаб этади. Бу ўзўзидан тизим ходимларининг малакасини мунтазам равишда ошириб боришни тақозо этади. «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими «Маҳалла зиёси» республика ўқув-услубий маркази билан ҳамкорликда ташкил этаётган ўқув машғулотлари ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва тизим ходимларининг малакасини оширишга қаратилган. Бўлимимизнинг йиллик иш режасига мувофиқ «Маҳалла» жамғармасининг туман, шаҳар бўлинмалари раислари ва ўринбосарлари, бош ҳисобчи ва масъул котиблар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида бир неча ўқув-семинар машғулотлари ташкил этилди. Жумладан, унда фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги ёшлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш масаласи ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Маҳалла тизимида фаолият кўрсатаётган бош ҳисобчиларнинг малакасини оширишда эса жойлардаги молия бошқармалари мутахассислари, «Маҳалла зиёси» республика ўқув-услубий маркази ходимлари томонидан ўқилган маърузаларнинг аҳамияти катта бўлди.

Жорий йилнинг август ойи мобайнида жойларда «Ватан туйғуси ва ватанпарварлик», «Ўзбекистон — алломалар юрти», «Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори», «Миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига эришиш — устувор вазифа», «Маҳалла ҳам ота, ҳам она» сингари мавзуларда давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилди. Муҳими, бундай тадбирлар бевосита мулоқот, қизғин баҳс-мунозаралар тарзида кечди.

Айни пайтда жамғармамизнинг шаҳар ва туман бўлинмалари ҳузурида тарғибот гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилган. Маҳаллаларда маънавий-маърифий ишларни янада жонлантириш, аҳоли ўртасида турли мавзулар юзасидан тушунтириш ишларини олиб боришда бундай гуруҳларнинг фаолияти самарали бўлиши кутилмоқда.

Комилжон ШОДИМЕТОВ,
«Маҳалла» жамғармасининг
Тошкент вилояти бўлими раиси.

Олам турфа

ҚАҲВА ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

Мана бир неча асрдирки, қаҳва кўпчиликнинг севимли ичимлигига айланган. Бугунги кунга келиб унинг турлари ҳам кўпайиб кетган. Бироқ қаҳва қачон ва қаерда пайдо бўлганини биласизми?

Қаҳва дастлаб Яқин Шарқ давлатларида истеъмол қилина бошланган. XVI асрга келиб у Европада тарқалган. Баъзи шифокорлар қаҳвани ўз беморларига доривор восита сифатида тавсия этишса, бошқалар уни истеъмол қилишни умуман тақиқлашган. Фақат Англиядагина қаҳвани хуштаъм ичимлик сифатида қабул қилишди.

Ҳозирда қаҳва дарахти дунёнинг кўпгина давлатларида экилади ва ҳар бир давлат ўзига хос, бетакрор таъмга эга бўлган қаҳва ишлаб чиқаришга ҳаракат қилади.

Қаҳва дарахти одатда денгиз сатҳидан 400 дан 1800 метргача бўлган баландликда ўсади. Энг сифатли қаҳва донлари эса 900 дан 1800 метргача бўлган баландликда ўсган қаҳва дарахтларидан олинади. Қаҳва дарахтининг ўзига хос жиҳатларидан бири шуки, бир хил навли қаҳва бир хил баландликда, аммо бошқа-бошқа плантацияларда етиштирилса, уларнинг таъми ҳар хил бўлади. Қаҳва етиштирилган жойига қараб икки гуруҳга бўлинади, яъни Бразилия ва бошқа мамлакатларда етиштириладиган қаҳва.

Одатда қаҳва ишлаб чиқарувчилар истеъмолчиларга ўзига хос таъм ва хушбўй иси эга бўлган қаҳва етказиб бериш учун бир неча навлар йиғиндисини бир қутига жойлаштириб, сотувга чиқаришади. Бундан ташқари, қаҳванинг мазаси унинг қандай янчилгани ва қовурилганига ҳам боғлиқдир.

Маслаҳатчи иш тажрибасидан

ФОЙДАЛИ МЕҲНАТ — МУАММО ЕЧИМИГА ЙЎЛ

Сарвара Дониёрова икки йилдан буён Когон шаҳридаги Мустақиллик маҳалласи фуқаролар йиғинида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

У салкам чорак аср маҳалла ҳудудидаги умумтаълим мактаби ва мактабгача тарбия муассасасида болаларга таълим-тарбия берди.

Маҳаллада ўтказиладиган ҳар қандай тадбир Сарвара опанинг маслаҳатисиз, иштирокисиз ўтмайди. Кам таъминланган, эҳтиёжманд фуқароларга ёрдам бериш, нотинч оилалар, вояга етмаганлар ва хотин-қизлар билан ишлаш, тўй ва маъракаларни ортиқча сарф-харажатларсиз, тартибли ўтказиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ишсизлик муаммосини ҳал этиш ва яна бошқа кўплаб масалалар маслаҳатчининг кундалик иш фаолиятини ташкил этади.

— Хотин-қизларни фойдали меҳнатга қанча кўп жалб этсак, уларнинг муаммолари ўз-ўзидан ҳал бўлиб бораверади, — дейди Сарвара Дониёрова. — Бу борада маҳалла фаоллари билан биргаликда қатор ишларни амалга оширяпмиз. Масалан, яқинда 20 нафар хотин-қиз уста-шогирд анъанаси асосида касб-ҳунар ўрганишга жалб этилди.

Маҳалланинг Солиҳа Рўзиева, Шаҳноза Фармонова, Наргиза Ёқубова сингари қўлигул ҳунармандлари шогирдларига қуроқчилик, тикувчилик ва зардўзлик сир-асрорларини қунт билан ўргатишмоқда.

— Айни пайтда шогирдларимга билганларимни эринмай ўргатиб, яхши чевар бўлиб етишишлари учун астойдил ҳаракат қиляпман. Ҳадемай бу қизлар мустақил фаолият юритадиган уста даражасига эришадилар, — дейди Солиҳа Рўзиева.

Мактаб ўқувчиларининг дарсдан кейинги бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ташкил этиш ҳам Сарвара опанинг доимо диққат-эътиборида. Чунки асли касби педагог бўлган маслаҳатчи болаларни спорт тўгаракларига жалб этиш, касб-ҳунар ўрганишга йўналтириш ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этишини жуда яхши билади.

Ҳамроз АЛИ,
«Mahalla» мухбири.

Бухоро вилояти

Андижон вилояти

Андижон шаҳридаги Маданият маҳалласида 6600 нафар фуқаро истиқомат қилади. Ҳар қандай маҳалланинг ободлигини намоён этувчи омиллар Маданиятда ҳам бор: ёшлар учун спорт майдончаси, ҳунармандчилик устахоналари, маданий-маиший иншоотлар, тиббий муассаса аҳоли хизматида. Маҳалла фаоллари ободончилик ишларида маданиятликларга бош-қош бўлишмоқда.

СУРАТДА: *Маданият маҳалласи оқсоқоли Ҳошимжон Ҳолмирзаев фаоллар билан.*

Тўрахон ҒОФУРОВ олган сурат.

Фарғона вилояти

"АЛЛО, СИЗНИ ЯХШИ ЭШИТЯПМИЗ!"

Эндиликда юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам аҳолига сифатли коммуникация хизмати кўрсатилмоқда.

Юртимизда сўнгги йилларда алоқа тизими соҳасида ҳам қатор ислоҳотлар олиб борилмоқда. Замонавий технологияларнинг жалб қилиниши алоқа сифати янада яхшиланишида муҳим ўрин тутади. "Ўзбектелеком" акциядорлик жамияти Фарғона вилояти филиали томонидан вилоятда коммуникация тармоқларини модернизациялаш, қайта қуриш ва ривожлантириш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Яқинда Охунбобоев туманида янги рақамли телефон станцияси иш бошлади. Эндиликда республикадаги рақамли алоқа тармоғига уланган мазкур станция орқали ҳар бир абонент шаҳарлараро сўзлашув, электрон алоқа, интернет тармоғи хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга.

Шунингдек, ҳудудда Хитойда ишлаб чиқилган "XUAWEI" русумли замонавий электрон тармоғи ўрнатилди. Сифати кафолатланган оптик шиша толали телефон тармоқлари ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам бир маромда ишлай олади. Айни кунларда мижозларга 16 турдаги сервис хизмати кўрсатилмоқда.

Алижон МИРЗАБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Қилмиш-қидирмиш

ТАЪМАГИРЛИК ОҚИБАТИ — ТАВҚИ ЛАЪНАТ!

...Тақдир тақозоси экан, сирдарёлик Гўзал Жўраева оиласи билан Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрига кўчиб келди. Унинг асли касби ҳамшира бўлиб, бу мутахассислик бўйича 15 йил ишлаган, демак, Ангрендаги бирон тиббий муассасага ишга жойлашса, ҳаётида муаммолар бўлмайди. Лекин ишга жойлашиш у ўйлаганчалик осон бўлиб чиқмади. Кўпгина мурожаатларига «Бизда ҳозир бўш ўрин йўқ!» деган жавоб олди. Шу орада кимдир Гўзалга иш масаласи Ангрен шаҳар марказий шифохонаси бош шифокори орқалигина ҳал бўлишини шипшиди. Гўзал эртасигаёқ бош шифокор ҳузурига кирди, муддаосини айтди. Бош шифокор вазифасини бажарувчи Баҳром Ҳабибуллаев Гўзал келтирган ҳужжатларни кўздан кечириб «Телефонингизни қолдиринг, эртага бўш ўрин бор-йўқлигини аниқ айтаман», деди. Кўнгироқ бўлмагач, Гўзал яна икки-уч марта шифохонага келди, лекин вақтинча вазифа бажараётган раҳбарни учратолмай қайтди.

2008 йилнинг февраль ойи бошида Гўзал Б.Ҳабибуллаевни яна сўроқлаб борди. Шифохонада у маҳалладоши Инобат Эгамбердиевани учратиб қолди. У даволаш ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари бўлиб ишлар экан. Инобат «Мен бош шифокордан сиз учун илтимос қилиб кўраман, у ёғини ўзингиз келишиб кетгач, Б.Ҳабибуллаев муддаога ўтди. Гўзал билан унинг суҳбати тахминан қуйидаги мазмунда кечди:

— Ҳозир ишга жойлашиш қурук бўлмайди, харажати бор.

— Харажати қанча бўлади?

— Шу ерда ишлайдиганлардан сўранг, айтишади...

Гўзал сўраб-суриштирди, харажат миқдорини билиб ҳуши учай деди. Яна бир-икки марта бош шифокор вазифасини бажарувчига учради. Билдики, ишга жойлашиш учун имконидан анча ортиқ харажат керак. Лекин мудом ишсиз юролмайди-ку. У ўйлай-ўйлай ота-онаси, укасидан ёрдам сўрашга қарор қилди. Сирдарё вилоятида яшовчи яқинларига қўнгироқ қилиб, вазиятни тушунтирди. Укаси Эркин унинг илтимосини эшитиб, аввал тутоқиб кетди, кейин босиқлик билан тушунтирди:

— Опа, биласиз, бунча пул бизда йўқ. Шундай бўлса ҳам ўз эҳтиёжингиз учун зарур бўлганда, бир амаллаб топардим. Лекин ўзингиз ўйлаб кўринг, бир ноинсоф порахўрнинг нафсини қондириш учун қарзга ботайликми?!

— Нима қилай бўлмаса?

— Сиздан пора талаб қилаётган таъмагирнинг додини бериш керак, токи унга ўхшаганларга ҳам сабоқ бўлсин. Опа, сиз яхшиси, тегишли ташкилотларга мурожаат қилинг...

Гўзал укасининг сўзларини кўп ўйлади. Шубҳасиз, укаси ҳақ эди. Гўзал Жўраева 2008 йил 25 февраль куни Тошкент вилояти Миллий хавфсизлик хизмати бошқармасига мурожаат қилди...

Шу куниёқ у яна Б.Ҳабибуллаев ҳузурига борди. Иккови ўртасида кечган суҳбатда бош шифокор вазифасини бажарувчи Б.Ҳабибуллаев Г.Жўраеванинг Ангрен шаҳар туғруқхонасига ҳамшира сифатида ишга жойлашиши учун нақд 500 АҚШ доллари миқдорида пора олишни кўзлаётгани маълум бўлди. Гўзал «Харажатнинг юзини бир ойдан кейин бераман», деганди, таъмагир «Бундай гаплар кабинетда гаплашилмайди», дея уни жеркиб, хонасидан тезгина чиқариб юборди...

Орадан уч кун ўтиб, 28 февраль куни Г.Жўраева бу хонага яна кириб келди.

— Ҳаммасини келтирдингизми? — сўради Б.Ҳабибуллаев.

— Ҳаммасини келтирдим, — деди Г.Жўраева.

— Стол четидаги қора папканинг тагига қўяқолинг.

Г.Жўраева ишга кириш ҳақидаги аризасини ва 500 АҚШ доллари миқдоридаги порани бош шифокор вазифасини бажарувчи айтганидек қора папка тагига қистирди. Г.Жўраева хонадан чиқар экан Б.Ҳабибуллаев яна мужмал бир гап қилди:

— Бир-икки кундан кейин яна хабар оларсиз...

Орадан беш-ўн дақиқа вақт ўтар-ўтмас, Тошкент вилояти Миллий хавфсизлик хизмати бошқармаси, вилоят прокуратураси ходимларидан тузилган махсус гуруҳ холислар иштирокида бош шифокор вазифасини бажарувчи хонасига кириб келишди. Порахўр ўз айбини тан олишга мажбур бўлди, Г.Жўраева қора папка остида қолдирган порани иш столи ғаладонидан чиқариб берди. Махсус текширувда хорижий валюта банкнотасига ишлов берилган махсус кукун қолдиқлари порахўр таъмагирнинг уст-боши ва қўлларида из қолдиргани аён бўлди. Буни қарангки, кейинчалик, суд жараёнида Б.Ҳабибуллаев «Мен порани ўз қўлим билан олмаган эдим, Г.Жўраева чиқиб кетгач, қора папканинг остидан олгандим», дея ўзини оқламоқчи ҳам бўлди. Бу таъмагирнинг ноинсофлиги шу қадарки, Г.Жўраевадан пора олгач ҳам, уни сарсон қилмоқчи экан. Хусусан, Б.Ҳабибуллаев Ангрен шаҳар марказий шифохонасига қарашли туғруқхона мажмуаси бош шифокори Гулсара Жабборовага телефон орқали «Олдингизга Гўзал деган аёл иш сўраб боради, иложи бўлса, бирор жойга тиқиб қўярсиз», дея мавҳум «кўрсатма» берган экан. Ўз навбатида Г.Жабборова ҳам Г.Жўраевани бирор жойга «тиқиб» қўйишнинг иложини тополмай, гапни чўзиб ўтирмади: «Ҳозирча бўш ўрин йўқ, хабарлашиб туринг...»

Бу воқеада яна бир ҳолат борки, у Б.Ҳабибуллаевнинг нафақат нафсига қул, балки ўта масъулиятсиз, ҳаттоки, фирибгарликка мойил кимса эканини тасдиқлайди. Гап шундаки, Б.Ҳабибуллаев бош шифокор вазифасини бажарувчи сифатида таъмагирлик қилиб пора олган куни у бу вазифага алоқадор бўлмаган. Яъни 2008 йилнинг 26 февралида у вақтинча эгаллаб турган лавозимга бошқа шахс — Ж.Юсупов расман тайинланган ва албатта, Б.Ҳабибуллаев бундан хабардор бўлган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди ушбу жиноий иш юзасидан ҳукм чиқарди — Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига биноан порахўр Б.Ҳабибуллаев саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

* * *

Таъмагирлик ботқоғига ботиб, эларо шармисор бўлган кимсалардан яна бири Тошкент вилояти Бўка тумани халқ таълими бўлимининг собиқ мудири, 48 ёшли Шуҳрат Рўзматовдир.

2008 йил 3-4 январь кунлари вилоят халқ таълими бошқармаси ходимлари томонидан Бўка тумани халқ таълими тизимидаги ўрта мактабларда кластер синфлар ва ахборот-ресурс марказларининг аҳволини ўрганиш учун навбатдаги текширув ўтказилади. Текширув давомида тумандаги 2-ўрта мактабда жиддий камчиликлар мавжудлиги аниқланади. 5 январь куни текширув натижалари таҳлил этилган йиғилишда мактаб директори Ш.Орипованинг ўз ишига масъулиятсизлиги қаттиқ танқид қилинади ва директор ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзади.

Шу куниёқ Ш.Орипова аризасини қайтариб олиш, ишидаги камчиликларни бартараф этиб, фаолиятини давом эттириш истагини билдириб, туман халқ таълими бўлими мудири Ш.Рўзматовга мурожаат қилади. Умуман олганда, Ш.Рўзматов Ш.Орипованинг ўз фаолиятини давом эттиришига қарши эмасди. Аммо, вазиятдан фойдаланиб ўз баднафсини қондиришни ўйлаган Ш.Рўзматов Ш.Ориповага шундай шарт қўйди: «Аризангизни қайтариб берамиз. Эвазига 200 АҚШ доллари берасиз. Икки кун ичида пулни келтиринг». Ш.Орипова айни тобда бунча маблағни келтиролмаслигини, кейинроқ топиб беришини айтди. Мудир гапни қисқа қилди: «Топасиз, топмасангиз бўлмайди!»

Ш.Орипова пулни топишга топдику-я, лекин мудирнинг таъмагирлиги ўз бошига бало тоши бўлиб тегди. У порани чўнтакка уриши биланоқ, қўлига кишан солинди. Ш.Орипова мудирнинг таъмагирлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Тошкент вилояти бошқармасига ариза билан мурожаат қилган эди. Шундай тарзда таъмагир мудир масъул мансабдор шахс бўла туриб ўз хизмат мавқеидан қасддан фойдаланган ҳолда пора олгани учун жиноий жавобгарликка тортилди. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди Ш.Рўзматовни саккиз йилга озодликдан маҳрум этиш ва қамоқ жазосини ўтагандан сўнг уч йил муддатга таълим соҳасида раҳбарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Шухрат АКБАРОВ,
Тошкент вилояти прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи.

Жиззах вилояти

Ёшлар камолоти йўлида

САНЪАТДА ВА ФАНДА ИЛҒОР ҚИЗЛАР

Юртимизда иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани уларнинг ташаббускорлигини ошириш ва ўз имкониятларини тўла-тўкис намоён этишлари учун ёрдам бермоқда. Хусусан, Зулфия номидаги Давлат мукофоти орқали ҳар йили янги-янги истеъдод эгалари кашф этиляпти.

Яқинда Жиззах туманида ушбу нуфузли мукофотга номзодларни саралаб олиш мақсадида ўтказиб келинаётган кўрик-танловнинг туман босқичи ўз ниҳоясига етди. Унда қарийб эллик нафар даъвогар орасидан энг муносиб деб топилган тўрт нафар қиз ғолиб бўлди. Токчилик қишлоғидан Мухлиса Қодирова, Олмачи қишлоғидан Мафтуна Мустафоқулова, 1- умумтаълим мактабидан Муҳаррам Ражабова ҳамда 11-умумтаълим мактабидан Гулчеҳра Маннонованинг санъат, фан, таълим ва маданият йўналишлари бўйича тақдим этган ишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан юксак баҳоланди. Ғолиблар «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Кўрик-танловда фаол иштирок этган қизлар «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлинмаси, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ҳамда ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Абдували ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Фарғона вилояти

«ГАПИРУВЧИ КИТОБЛАР»

улар 1000 нусхадан ортди

Вилоятда «Ёшлар йили» Давлат дастури асосида жисмоний имконияти чекланган кишилар ҳамда ногиронларни қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят ахборот-кутубхона марказида кўзи ожиз ногиронлар учун «Гапирувчи китоблар» деб номланган махсус бўлим ташкил этилди. Унда асосан, ўзбек адабиёти намояндалари ҳамда чет эл ёзувчиларининг 35 номдаги энг сара китоблари ёзилган аудиотасмаларга алоҳида ўрин ажратилди. Махсус тайёрланган ушбу аудиотасмалар воситасида кўзи ожиз кишилар ҳам адабиётга доир тушунчаларини бойитиш, бадиий асарлардан баҳраманд бўлиш имконига эга бўладилар.

Ўтган вақт давомида мазкур бўлимнинг фаолиятини ташкиллаштириш мақсадида китоб, брошюра ва видеоматериаллар тақдим этилган бўлиб, улар ногиронлар, эҳтиёжманд оилалар аъзолари, ижтимоий соҳа ходимлари ҳамда талабалар учун мўлжалланган.

Лойиҳадан кўзда тутилган асосий мақсад, жисмоний имконияти чекланган кишиларга, уларнинг оила аъзоларига, шунингдек, ногиронларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ соҳаларда фаолият юритувчи ташкилот ва муассасалар ходимларига ахборот кўмаги кўрсатишдир. Ҳозирги кунда мазкур тармоқ шаҳардаги 86-махсус мактаб-интернат, имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежи, махсус болалар боғчалари ҳамда бошқа бир қатор муассасалар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Айни пайтда «Гапирувчи китоблар» бўлимида жамланган китоблар миқдори 1000 нусхадан ортди. Шу кунгача тармоқ орқали 1500 дан зиёд китобхонга хизмат кўрсатилди.

Алижон МИРЗАБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Ўтмишимиз ва бугунимиз

«ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИСАН, АЗИЗ МАҲАЛЛАМ!»

Ушбу шиор остида ўтказилаётган кўрик-танлов ёшларнинг маҳаллалар тарихини ўрганишига асос бўлмоқда

Абу Наср Форобий «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади» деб таъкидлайди.

«Маҳалла» атамаси илк марта тарихчи олим Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида келтирилган. Бу атама араблар истилосидан кейин, хусусан, Тошкент ва Қўқон ҳудудларида кенг тарқалган. Маҳаллалар, айниқса, Мавороуннаҳрда соҳибқирон Амир Темур даврида ривожланди, гуллаб-яшнади. Ўша вақтга келиб маҳаллаларда аҳоли касб-корига қараб истиқомат қилишган. Хусусан, темирчи, қуролсоз, тикувчи, чармдўз, гиламдўз, кулол, қурувчи каби ҳунармандлар бир жойда меҳнат қилиб, ҳаёт кечира бошлади.

«Темур тузуклари»да «Ҳар эл ва ҳар мамлакатнинг улуғларини, бошлиқ оқсоқолларини қадрладим, уларга совға-саломлар бериб, хизматларидан фойдаландим» дея таъкидлангани бежиз эмас, албатта.

Алишер Навоий «Ҳайрат-ул-аброр» асарида «Маҳалла — шаҳар ичидаги шаҳарча» деган таърифни келтирган. Аллома маҳалла мисолида кишилар ўртасида биродарлик, меҳр-оқибат, устоз ва шогирдлик каби инсоний фазилатлар камол топишига урғу беради. Дарҳақиқат, қадимдан ҳамжиҳатлик ва бирдамлик анъаналари айнан маҳаллада шаклланган бўлиб, унда яшовчи киши ҳеч қачон ёлғизланиб қолмаган. Халқимизга хос бундай қадрият асрлар синовидан ўтиб келмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, барча жабҳаларда бўлгани сингари маҳалла тизими истиқболига ҳам йўл очилди. Бир сўз билан айтганда, минг йиллар давомида шаклланиб, халқимизнинг ўзига хос ҳаёт тарзига айланган бу жамоавий тузилма мустақиллик туфайли том маънода янги мақом, мавқе, қадрга эга бўлди. Вақт ўтиши билан аҳоли сонининг ўсиши ҳамда янги турар-жойлар барпо этилиши ҳисобидан шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳаллалар сони кўпайиб бормоқда. Хусусан, бугунги кунга келиб мамлакатимизда 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият юритмоқда. Уларнинг аксарияти айни пайтда тарихий номлар билан аталади.

Ёшларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, улар шуурида ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, эл-юрт шаънини ардоқлаш каби улуғвор фазилатларни камол топтиришда маҳалланинг ўрни беқиёс эканлигини барчамиз яхши биламиз. Бу борада қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йили Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамкорлигида «Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам» шиори остида «Маҳаллам тарихини ўрганаман» республика кўрик-танлови ўтказилди. Кўрик-танлов Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри маҳаллалари ёшлари иштирокида бўлиб ўтди. Кўрик-танловнинг республика босқичида ҳар бир вилоятдан тавсия этилган фуқаролар йиғинининг Ёшлар билан ишлаш комиссияси томонидан олиб борилаётган ишлар ўрганиб чиқилди. Ушбу кўрик-танловнинг мақсади маҳаллаларнинг тарихий хусусиятлари ва номланиш тарихини ёшларимиз онгига сингдиришдан иборатдир. Жойларда ўтказилган танлов орқали республикамиз бўйича 3000 га яқин маҳаллаларнинг тарихи ўрганилди. Жумладан, Бухоро вилояти Қоровулбозор туманидаги Ал-Бухорий номидаги маҳалла ёшлари жамоаси кўрик-танловнинг республика босқичида фахрли 1-ўринни эгаллади. Ушбу маҳалла фуқаролар йиғини 1999 йилда ташкил топганлигига қарамай, ҳудудда аҳолининг фаровон турмуш кечириши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шунингдек, пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Сузук ота номли маҳалла ёшлари жамоаси ҳам ўз тарихини мукаммал ўрганганлиги танлов иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. «Сайрам тарихи» китобида шундай маълумотлар келтирилади: «Ҳазрат Султон Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг қизлари томонидан набиралари эдилар. Ёш бачалик вақтида, боболарининг хизматига борур эдилар. Ногоҳ боболарининг назар муборакларги тушиб, муҳаббат билан айтадиларки: «Манинг сузугим, хуш келдингиз», «Манинг сузугим, хуш келдингиз»! шунинг учун мардумлар СУЗУКОТА дейдурлар».

Самарқанд вилоятидаги Янги Хайробод маҳалласи Самарқанд шаҳри марказида жойлашган бўлиб, IX асрда ташкил топган. Темурийлар даврида маҳалла шаҳарнинг 4-дарвозасидан бири, истеҳком вазифасини бажарган бўлиб, шаҳарнинг ички қисмида жойлашган.

Кўрик-танлов низомида белгиланган шартларга асосан, ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғининининг номланиш тарихини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, Ёшлар билан ишлаш комиссиясининг иш фаолияти ва «Оила—маҳалла—мактаб» ҳамкорлиги асосида олиб борилаётган ишлар, маҳалла ёшларининг қалбида ватанпарварлик ва инсонпарварлик фазилатларини камол топтириш, маҳаллада миллий хунармандчилик, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида амалга оширилган ишлар таҳлил этилади. Бундан ташқари, маҳалла ҳудудидаги мактабларнинг 9-синф ўқувчилари ўртасида «Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам» шиори остида «Маҳаллам тарихини ўрганаман» мавзусида иншолар танловини ўтказиш белгиланган. Бу шартга кўра, ҳар бир ўқувчи томонидан маҳалланинг тарихий хусусиятлари, миллий қадриятларимизнинг аҳамияти ва мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, ўзи истиқомат қилаётган маҳалласи тарихи тўлиқ асосланган ҳолда баён этилишига алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳа, ҳар биримиз ўз маҳалламиз, юртимиз тарихини яхши билишимиз, маҳалламизнинг турмуш тарзи, халқимизнинг миллий қадриятлари ва анъаналарини ота-боболаримиздан қолган мерос сифатида асраб-авайлаш бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Гавҳар АЛИМОВА,
«Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви бош мутахассиси.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЎБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Кўтаринки кайфият таъсирида кўп ишларни битириб қўясиз. Хуш кайфиятингизга сабабчи инсонни ҳафа қилиб қўйишдан сақлансангиз бас.

СИГИР(22.04-20.05)
Сизда ҳаётингизнинг баъзи бир жиҳатларини қайта қуриш истаги йўқ эмас. Ишонинг, бундай ислоҳотлар учун қулай фурсат ҳали келгани йўқ.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)
Шу кунларда атрофингиздаги кишиларда яхши таассурот қолдириш, қарама-қарши жинс вакилларининг эътиборини қозонишда сизга етар киши йўқ.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Яқин беш-олти кун мобайнида дам олиш у ёқда турсин, ҳатто бош қашлашга ҳам вақт тополмайсиз. Энг муҳими, ўта бандлигингизга қарамай, кайфиятингиз жуда кўтаринки.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Янги ва бошқаларникига ўхшамаган таклиф-ташаббуслар билан ҳаммани лол қолдираман, деб овора бўлманг. Яхшиси, белгиланган режадан четга чиқманг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Касбий фаолиятингизга доир янгиликлардан бохабар бўлиш имконияти туғилади. Келгусидаги фаолиятингизда асқотадиган кўникмаларга эга бўласиз.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Арзимаган, майда-чуйда юмушларда ҳам ҳавойилик, енгилтаклик қила кўрманг. Тажрибали, кўпни кўрган кишилар маслаҳатига қулоқ осинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ўзингизни ўзгаларнинг ташвиши ва муаммоларига кўмиб қўйиш одатингизга кўра, бир ташвишингиз ўн бўлиши эҳтимоли йўқ эмас. Ваъда беришда имкониятингизни чамаланг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Баъзи ишлар, воқеа-ҳодисалар сиз кутганингиздан бошқачароқ рўй бериши мумкин. Тадбиркорлик қобилиятингизни ишга солингки, барча лол қолсин.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Агар ўз қобилиятингизни аниқ чамалаб, таваккал қилсангиз, молиявий масалаларда ошиғингиз олчи бўлиши мумкин. Қўшимча даромад ҳеч кимга ортиқчалик қилмаган.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Етти ўлчаб, бир кес, деган мақолни биласиз, албатта. Ҳушёр бўлингки, худди шу мақолга амал қилишга кечикиб қолманг. Ҳамкорларингизга синчков бўлинг.

БАЛИК (19.02-20.03)
Баъзи бир ишларни «аъло»га битказа олмасангиз, билингки, қаердадир хатога йўл қўйгансиз. Бундай вазиятда ўзингизни танқид қилиш — энг яхши чора.

Ҳофиз ҳарбийлар ҳузурида

Яқинда пойтахтимиздаги Марказий офицерлар саройида Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуд Номозов ва «Сурхон» гуруҳи билан ҳарбий хизматчилар ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган ҳарбийлар ўзларини қизиқтирган саволларга хонандадан жавоблар олишди. Тадбирда эл севган қўшиқчи Маҳмуд Номозов ва «Сурхон» гуруҳи томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар йиғилганларни хушнуд этди.

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.



СУРАТЛАРДА: *Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуд Номозов иштирокидаги бадиий кечадан лавҳалар.*

Ажабо!..

СОЧИ ҲУЗУННИНГ АҚЛИ ҚАНЧА?

Европанинг нуфузли илм масканларидан бири Париж университетининг олимлари сочнинг кимёвий таркибини ўрганиб чиқиб, инсон сочи билан ақли ўзаро боғлиқ эканлигини аниқладилар.

Улар турли ижтимоий гуруҳга мансуб бўлган икки минг нафар киши ўртасида ўтказилган илмий тадқиқот натижаларига кўра шундай хулосага келишди. Аниқланишича, ақл-заковати юксак кишиларнинг соч толалари таркибида рух ва мис унсурининг салмоғи кўпроқ бўлар экан.

ИНФАРКТНИНГ ДАВОСИ

Ҳар йили дунё бўйича жуда кўплаб инсонлар юрак хасталигига чалинади. Юрак хасталигининг ўта оғир кўринишларидан бири бўлган инфаркт оқибатида эса айрим инсонлар ҳаётдан кўз юмадилар.

Финляндиялик бир гуруҳ олимлар спектрал таҳлил воситасида минг нафардан зиёд инфаркт касаллигига чалинган беморларнинг организмини ўрганиб чиқишди. Таҳлил натижасида эса мазкур касалликнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи омиллардан бири аниқланди. Маълум бўлишича, соч толаларида селен моддаси меъёрдан жуда кам бўлган инсонларда инфаркт хасталигига чалиниш хавфи кўпроқ экан. Шу боис тадқиқотчилар ичимлик суви ва тупроқ таркибини селен моддаси билан бойитиш лозим деган хулосага келишди. Бу билан юрак инфарктидан вафот этувчилар сони икки баробарга камайишига эришилади.

Маннон НАБИЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон Бадиий Академияси, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини пойтахтимизнинг юксак нуфузи ва мавқеига муносиб равишда нишонлаш, дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириш, халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада кучайтириш мақсадида Тошкент шаҳрига бағишланган рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик асарларининг

ОЧИҚ ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Номинациялар:

1. Тошкентнинг афсона ва ривоятлари.
2. Тошкентнинг тарихий обидалари.
3. Замонавий Тошкент.
4. Тошкентликлар образлари.
5. Тошкент – анъана ва маданиятлар чорраҳаси.
6. Хорижлик ижодкорнинг Тошкентга бағишланган сара асари.

Танловда иштирок этадиган ишлар багетларда қабул қилинади.

Рангтасвир асарларнинг катта томони 100 см дан кичик бўлмаслиги керак.

Энг сара асарлардан ташкил топган кўргазма 2009 йил май ойида Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида бўлиб ўтади.

Энг яхши асарлар Ўзбекистон Бадиий академиясининг медаль, дипломлари ва Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланади ҳамда кўргазма каталогидан ўрин олади.

Танлов муддати: асарлар 2008 йил 30 ноябрга қадар қабул қилинади.

Асарлар Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 2-уй, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида қабул қилинади.

Қўшимча маълумот учун тел.: 233-97-23; 233-56-74; 256-34-07

Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимлиги томонидан 27.03.2007 йилда Камолов Карим Жангобоевич номига берилган № 0301094 рей. № 0301827 рақамли Патент йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкент вилояти Зангиота туманида рўйхатдан ўтган «Qudrat» хусусий корхонасига қарашли дорихона шохобчаси манзили кўрсатилган 08.11.2004 йилда берилган № 4532 серия: ф № 004433 рақамли лицензия нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш учун 26.02.2003 йилда «Tojixon farm» хусусий дорихонаси Туракулова Лобар-хонга берилган 2180/331-01 рақамли лицензия шартномаси йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Утеренную лицензию N АТ № 0019540 выданную на ООО «Дилижонс Мега Транс» 22.04.2008 г. считать недействительной.

ООО «SARANG TRADE», зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства при хокимияте Мирабадского района г.Ташкента, расположенное по адресу: массив Куйлюк-4, 13 / 77 ликвидируется. Претензии принимаются в течение 2-месяцев со дня опубликования объявления.

Тошкент шаҳар Учтепа тумани ҳокимлиги томонидан 12.03.2007 йилда Якка тартибдаги тадбиркор Камолов Карим Жангобоевич номига чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган ЖШ № 021817 рақамли (рўйхат рақами 1640/02) Рухсат Гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) **Мавлуда ҚОСИМОВА,** (масъул котиб) **Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.**

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан, шикоят мактубларидан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Навбатчи муҳаррир: **Бектош Исмоилов**
Мусаҳҳиҳ: **Ҳамза Абдуллаев**
Саҳифаловчи: **Фаррух Расулов**

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — **236-53-93**
Тел/Факс: — **233-44-25**
Масъул котиб: **236-53-75**
Котибият — **236-55-69**
Хатлар бўлими: **236-57-62**

2008 йил 17 сентябрь
38 (640)

12209 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-820 \ **Топширилди — 21.35**
1 2 3 4 6